

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 4537,1 млрд.сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,1 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4537,1	59,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	256,8	64,0	5,7
бюджет маблағлари	113,5	309,1	2,5
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	-	-	-
давлат мақсадли фонд маблағлари	81,0	105,0	1,8
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	62,3	57,8	1,4
Марказлашмаган инвестициялар	4280,3	58,9	94,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	912,0	112,9	20,1
аҳоли маблағлари	597,3	134,4	13,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	2426,6	40,9	53,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	344,4	188,3	7,6
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	-	-	-

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари (январь-июнь)

2017 йил

2018 йил



2018 йил январь-июнда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

млрд. сўм


	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
Жами	4537,1	277,7	4259,4
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	73,0	76,1	72,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	13,2	19,6	12,8
бошқа харажатлар	13,8	4,3	14,4

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан 1,6 фоизга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 7,8 фоизга ошган, бошқа харажатлар 6,2 фоизга камайган.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

(январь-июнь)

2017 йил



2018 йил



- Уй-жой қурилиш
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Ташиш ва сақлаш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қурилиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 710,1 млрд.сўм ёки 73,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2018 йилнинг январь-июнь ойларида умумий майдони 670,2 минг кв.м. бўлган 3880 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 162,9 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 528,0 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 173,6 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 19,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 56,2 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 754,8 км. узунликдаги ичимлик суви, 5,3 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 5134,7 ва 61,6 фоизни ташкил қилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 754,8 км. ёки 100,0 фоизи ва газ тармоқларининг 5,3 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 64,7 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (0,3 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 0,07 млрд. сўм, инвестициялар ўзлаштирилди, бу 100,0 фоиз аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.


Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-июнда 1579,8 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 103,8 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 34,9 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1530,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 96,9 фоизни (2017 йил январь-июнга нисбатан 1,2 фоизга кўпайди) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсими
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-июнь



2018 йил январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари